O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ватан ҳимояси – иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ | ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**2005** йил, **28** май, шанба № **52** (2096).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Суббота, **28** мая, **2005** год, № **52** (2096).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда — E-mail: vatan@rol.uz — В розницу – цена свободная

**Мамлакатимизнинг, халқимизнинг тинчлиги, осойишталиги, эртанги куни қандай бўлиши шу юртда яшаётган инсонларга, ҳар биримизга боғлиқ.**

**Ислом КАРИМОВ**

**Ислом КАРИМОВ:**

## ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН, ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи билан жўнаб кетиши олдидан Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситаларига интервью берди. Унда 13 май куни Андижон шаҳрида рўй берган фожиали воқеаларга яна бир бор тўхталди.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, Андижон шаҳрида фожиали воқеаларни ташкил этганлар ўзининг қабиҳ ниятига етолмади. Чунки халқ уларни қўллаб-қувватламади, уларнинг сохта даъватларига эргашмади. Шунинг учун ҳам уларнинг ёвуз хатти-ҳаракатлари вақтида бартараф этилди.

Андижон шаҳрида тинч ҳаёт ўз маромида давом этмоқда, деди Президентимиз. Лекин юз берган воқеалардан ўзининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланиб қолувчилар ҳамон тинчигани йўқ. Кимдир турли миш-мишлар билан оламга жар солмоқчи бўлса, яна кимдир ўзича турли даъволар билан чиқишга уринмоқда. Уларнинг фикрича, Андижон воқеаларини халқаро комиссия текшириши керак эмиш.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан Андижонда юз берган фожиали воқеалар юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда. Айни пайтда Олий Мажлиснинг мустақил комиссияси тузилди. Унинг таркибига парламентнинг қуйи ва юқори палаталаридан вакиллар киритилган. Мақсад – фожиа сабаблари ва оқибатларини холисона ва синчиклаб ўрганиш, ҳар томонлама чуқур таҳлил этишдан иборат.

Энди савол туғилади: олиб борилаётган текширишлар ниҳоясига етмасидан, парламентнинг мустақил комиссияси ўз хулосасини эълон қилмасидан туриб, айюҳаннос солишга нима эҳтиёж бор? Қолаверса, мамлакатимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур ваколатхоналарнинг вакиллари воқеа рўй берган жойга бориши, одамлар билан бемалол суҳбатлашиши мумкин. Бунга ҳеч ким қаршилик қилаётгани йўқ. Аксинча, Ўзбекистон ҳукумати мамлакатимизда фаолият юритаётган элчихоналар, халқаро ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари Андижонга бориб, рўй берган воқеа оқибатлари билан бевосита танишиши, одамлар билан суҳбатлашиши учун махсус авиарейс ташкил этди. Ажабланарлиси шундаки, Андижон воқеалари тўғрисида турли уйдирмаларни тарқатган хориж оммавий ахборот воситалари бу ҳақда лом-мим демади.

Халқаро текшириш ўтказиш ҳақидаги фикрга қайтадиган бўлсак, бир гапни алоҳида таъкидламоқ лозим, деб ўйлайман, деди Ислом Каримов. Ўзбекистон – мустақил мамлакат. Унинг ўз давлат тузими, ҳукумати, халқ сайлаган парламенти ва Президенти бор. Шундай экан, нега энди четдан кимлардир келиб текшириш ўтказиши керак.

Президентимиз баъзи хорижий оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистондан Қирғизистонга қочқинлар ўтаётгани тўғрисидаги бўҳтон гапларига тўхталар экан, бу борадаги айрим маълумотларни келтирди.

Баъзи «жонкуярлар» Қирғизистон ҳудудига Ўзбекистондан минглаб қочқинлар келади, қабилидаги уйдирмаларни тарқатган эди. Ваҳоланки, Қирғизистон чегара қўшинлари қўмондонлиги вакили расмий баёнот бериб «қочқинлар» деб аталаётган бундай шахслар 531 нафар эканини маълум қилди. Бунинг устига, улардан 37 нафари Қирғизистон фуқароси бўлиб чиқди. 12 нафари эса Андижондаги қамоқхонадан террорчилар томонидан ноқонуний қўйиб юборилган шахслар экан. Ўзини инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси қилиб кўрсатаётган айрим кимсалар томонидан «қочқинлар» деб аталаётган бундай шахслардан 73 та ўқ отар қурол мусодара қилинган. Мана шу мисолларнинг ўзиёқ, бу «қочқинлар» ким эканлигини кўрсатиб турибди.

Жиноятчиларнинг айримлари қуролини топширмоқда. Террорчилар томонидан қамоқхонадан чиқариб юборилган маҳбусларнинг кўпчилиги жазони ўташ жойларига ихтиёрий равишда қайтиб келмоқда. Таассуфки, хориждаги айрим «жонкуярлар», оммавий ахборот воситалари гўё буларни «кўрмаяпти», негадир тан олгиси келмаяпти.

Халқни алдаш, йўлдан уриш мумкин эмас, деди давлатимиз раҳбари. Аммо адашганлар бор, бўлиши мумкин. Чунки беш қўл баравар эмас. Рўй берган фожиали воқеаларга нисбатан халқимиз ўзининг қатъий фикрини билдирмоқда. Бу офатни содир этганларнинг ва уларнинг орқасида турганларнинг асл мақсади нима эканлигини халқимиз аллақачон англаб етди. Шунинг учун, баъзи хорижий оммавий ахборот воситалари жар солганидек, халқимиз ортиқча ташвишга тушгани йўқ. Аксинча, ҳаёт ўз маромида давом этмоқда, яъни халқимиз бунёдкорлик ишлари билан банд.

Мамлакатимизнинг, халқимизнинг тинчлиги, осойишталиги, эртанги куни қандай бўлиши шу юртда яшаётган инсонларга, ҳар биримизга боғлиқ, деди Ислом Каримов. Ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш барчамиздан фидойиликни талаб қилади. Мен олдин ҳам айтган фикримни яна такрорламоқчиман: шу Ватан учун, шу халқ учун керак бўлса, жонимни ҳам беришга тайёрман!

Халқимиз истиқлолнинг дастлабки кунларидаёқ танлаб олган ўз йўлидан ҳеч қачон оғишмайди. Шундай экан, ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди, деб таъкидлади Юртбошимиз.

**ЎзА.**



**Торжественны слова Военной присяги.**

## ОНТИГА СОДИҚ ҚОЛАЖАК

Офицер Дилшод Маҳмудов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда ҳам Қуролли Кучларимиз сафларига қўшилган ўғлонларнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилишига бағишланган тантанали митинг бўлиб ўтди.

– Мана, ҳадемай ўғлим ҳам қасамёд қабул қилади, – дейди фарзандини ушбу қувончли ва масъулиятли дамларда қўллаб-қувватлаш учун келган водийлик Акмалжон Икромов. – Тўғрисини айтсам, назаримда, ўғлимдан кўра мен кўпроқ ҳаяжонланаётгандекман. Мен Лазизбегимдан жуда хурсандман. Чунки армияга бораман, деб айтганида, айни кунларда ҳарбий хизматга юбориладиганларнинг яхшилаб текширилиши, маълум кўрик-танловлардан ўтиши, умуман, уларга юқори талаблар қўйилишини айтгандим, ўшанда. Ўғлим эса, албатта армияга бораман, деб туриб олди. Фарзанди қатъиятли бўлса, ҳар қандай ота-она қувонади-да. Лазизбекнинг уйга ёруғ юз билан қайтишига ишонаман.

Посбонларни ҳаётларидаги ушбу унутилмас ва муҳим воқеа муносабати билан табриклаш учун сўзга чиққан Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий Ҳаво Кучлари қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Баҳром Очилов йигитларнинг ҳар қандай вазият ва шароитда ҳам қасамёдларига содиқ қолишларига, ҳалол, жасур ва сергак жангчи бўлишларига ишонч билдириб, хизматларида омадлар ва ғалабалар тилади. Шунингдек, тантанали митинг давомида сўзга чиққанлар подполковник Шариф Аҳмедов, майор Баҳодир Ғаниев, капитан Комилжон Қурбонов, ота-оналар номидан сўзга чиққан термизлик Зиёдахон Турдиева ва бошқалар ўзларининг эзгу тилакларини билдиришди.

Табиийки, бундай дамларда содиқликка онт ичганларнинг дилида айтадиган гаплари кўп бўлади.

Оддий аскар Ҳамза Келдиёров:

– Мана,бизлар ҳам Ҳарбий қасамёд қабул қилдик. Бундан жуда хурсандман. Юрт посбони, Ватан ҳимоячиси деган улуғ ва шарафли номга лойиқ, деб топилганимдан фахрланаман. Эндиликда, бор куч ва билимимни ўз вазифамни виждонан ва астойдил бажаришга, командирларим, сафдошларим асосийси эса, яқинларим ишончини оқлашга қаратаман.

Оддий аскар Хуршид Сотиволдиев:

– Армиядаги ҳаёт, шарт-шароитлар менга жуда ёқяпти. Масалан, таъмирдан чиққан янги казармага жойлаштирилганлигимиз, кундалик овқатланишимизнинг турли витаминлар ҳамда куч-қувват берувчи ҳар хил озиқалар билан бойитилиши кабилар биз, ҳарбий хизматчиларга берилаётган катта эътибор намунасидир.

Мудофаа вазирлигининг алоҳида намунали кўргазмали ҳарбий оркестри тадбирнинг янада файзли ўтишини таъминлади.

**Лейтенант Т. ХУДОЙНАЗАРОВ.**

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

## МАЪНАВИЯТИМИЗ НЕГИЗИДАГИ ХАЗИНА

Ғарбча ҳаёт тарзи турмушимизга кириб келаётгани, у айрим миллий-ахлоқий қадриятларимизга таъсир ўтказаётгани ҳақида оммавий ахборот воситаларимизда тез-тез чиқишлар қилинмоқда. Энди шўролар давридагидек мафкура, ғоя, фикрларга нисбатан чегаралар, «Хитой деворлари» қўйишлар йўқ. Бу турли ғоялар, қарашлар жамиятимизга кириб келаверади, дегани. Табиийки, буларнинг олдини олиш учун мафкуравий «иммунитет» шаклланиши лозим. Буни қандай тушунмоқ керак?

Истиқлол мафкурасининг асосий вазифаларига назар ташлар эканмиз, унинг негизида одамларимизда мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантириш ётишини англаймиз. Шу маънода олиб қараганда, бу мафкура ўзида халқимизнинг эзгу орзу-умидларини ва ҳаётий манфаатларини ифода этади, инсон шахсини шакллантиришга алоҳида эътибор беради. Юртнинг ҳар бир фарзанди Ватан озод бўлсагина шахс озод бўла олишини тушунса, англасагина бу йўлда жонбозлик кўрсатади. Айнан ушбу мақсадга эришиш учун фуқароларимизда, айниқса, ёш авлодда юқорида айтилгандек, мафкуравий иммунитетни шакллантириш керак. Мафкуравий иммунитетни шакллантириш замиридаги омиллардан бири бу миллий ўзликни англашдир. Қачон миллий ўзлик англанади? Аввало, унинг туб моҳиятига етиб борилганида. Келинг, бу борада кенгроқ мулоҳаза юритиб кўрайлик.

**(Давоми 2-бетда).**

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!



## БИЛИМ – МУВАФФАҚИЯТ КАЛИТИ

**«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт». Юртбошимизнинг келажагимиз эгалари бўлган мустақил юрт фарзандларини баркамол авлод қилиб тарбиялаш йўлидаги бу шиори ҳар он, ҳар қадамда ўз эътирофини топмоқда. Давлатимизнинг бош мақсади – илму урфон бобида дунёда етакчи бўлган улуғ аллома боболаримизга муносиб, яъни ўзлигимизга муносиб ворислар тайёрлаш йўлида ўзимизга хос таълим тизимига эга бўлиш. Бу борада янги-янги ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Замон талабига мувофиқ жорий этилган тест синовлари эса бугун республикамиздаги барча олий ўқув юртларига талабаларни қабул қилишнинг синалган, адолатли усули сифатида кириб борди. Йилдан-йил такомиллашиб, мукаммалликка эришиб бораётган Давлат тест марказининг бугунги фаолияти ва келажакдаги режалари барчамизни қизиқтиради, албатта. Шу сабабли биз Давлат тест маркази директори Баҳром ИСМОИЛОВГА саволлар билан мурожаат қилиб, суҳбатлашдик.**

**– Ҳурматли Баҳром Маҳмудович, Давлат тест марказининг ташкил топиш тарихи ва асосий вазифалари тўғрисида маълумот бериб ўтсангиз.**

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 11 мартдаги Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан олий ўқув юртлари кундузги бўлимларига 1992-1993 ўқув йилидан тест синовлари асосида талабалар қабули амалга оширилган. Шундан сўнг, тест синовларини ўтказишнинг ижобий тажрибаси эътиборга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 14 майда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тест марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Шу даврдан бошлаб, Давлат тест маркази (ДТМ) фаолиятини давлат ташкилоти сифатида бошлаган.

**(Давоми 6-бетда).**

Муштарийлар диққатига

## ОГОҲЛИК ҚУРОЛИМИЗ БЎЛСИН!

Президентимиз Ислом Каримов шундай таъкидлайди:

**«Ҳар биримиз лоқайдлик, бепарволик ва беғамлик иллатидан халос бўлишимиз, ҳар бир фуқаро мамлакатимизда содир бўлаётган ҳар қандай воқеа менга, менинг тақдиримга бевосита дахлдор, деб ҳисоблаши айниқса муҳим».**

Андижон – Ўзбекистонимизнинг сўлим ва жаннатмакон маскани. Маълумки, бу ерда 12 майдан 13 майга ўтар кечаси мудҳиш воқеалар юз берди. Минг афсуски, яна кутилмаганда бир гуруҳ кимсалар томонидан Ўзбекистон давлатчилигига қарши хуруж қилинди. Мазкур хуружнинг замирида мавжуд тузумни ағдариш, исломий халифалик давлати тузиш сингари қора ният ётибди. Ўша кимсалар айрим мафкураси саёз, иродаси бўш ёшлардан қурол сифатида фойдаланишди.

Нега шундай бўлди? Нега орамизда мафкураси саёз, иродаси бўш айрим ёшлар пайдо бўлиб қолмоқда? Нега улар Ватанга, ота-онасига қарши қўл кўтаришмоқда?

Шу ерда жиддий ўйлаб кўришимиз керак, ҳар биримиз лоқайдлик, бепарволик, беғамлик иллатидан халосмизми, мамлакатимизда содир бўлаётган воқеа менга, менинг тақдиримга бевосита дахлдор, деб ҳис этяпмизми?!

Фарзандларимиз хатти-ҳаракати, юриш-туриши, нима ишлар қиляпти, кимлар билан юрибди, қандай китоб ўқияпти-ю, қандай фильмларни томоша қиляпти, доимий назоратимизда бўлмоғи шарт.

Қўшнимиз қандай яшаяпти, тинчми, ёрдамга муҳтож эмасми?

Маҳалламизга кимлар келиб кетмоқда, нияти нима, мақсади нима? Буларни билмоғимиз керак. Дил кўзимиз очиқ бўлмоғи лозим. Сезгирлик ҳар он, ҳар дақиқада даркор.

Биз ўтмиши буюк халқмиз. Бобокалонларимиз қолдириб кетган улкан маънавий ва маданий меросимиз бор. Таянчимиз – ўша, суянчимиз – ўша.

Халқимиз тинчликсевар, бунёдкор, иймони бутун халқ. Мустақиллик шарофати билан юртимиз янада обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлаётир. Бироқ ютуқларимизни, тинчлигимизни кўролмаётганлар бор. Буни ёддан чиқармаслигимиз керак.

Ҳушёр, ҳушёр ва яна бир марта ҳушёр бўлмоғимиз шарт.

Хуллас, ОГОҲЛИК ҳар он, ҳар дақиқада қуролимиз бўлсин!

**ТАҲРИРИЯТ.**

К нашим читателям

## БДИТЕЛЬНОСТЬ ДОЛЖНА БЫТЬ ОРУЖИЕМ!

Выступая на третьей сессии Олий Мажлиса второго созыва, Президент Узбекистана Ислам Каримов подчеркнул: **«Крайне важно, чтобы каждый из нас освободился от беспечности, равнодушия и самоуспокоенности, чтобы каждый гражданин считал любое событие, происходящее в стране, непосредственно касающимся его лично, его собственной судьбы».**

Эти слова вновь приобретают особую актуальность в свете трагических событий, имевших место в Андижане. Молодчики, прикрываясь религиозными лозунгами, ставили перед собой черные цели по свержению законной власти и созданию исламского халифата. В качестве оружия они использовали слабохарактерных и идейно незрелых молодых людей, у которых отравлены сознание и души. Иначе разве можно назвать сыном этой страны того, кто поднял руку на свой народ, свою Родину?

В темных душах легче посеять смятение, склонить к черным делам. Андижанские события это хорошо подтвердили. Нарушен покой, возникла угроза мирному созидательному труду сограждан, многократно разрушено семейное счастье и благополучие.

Почему так произошло?

Об этом стоит серьезно задуматься каждому гражданину страны. Необходимо, критично взглянув вокруг, честно ответить: освободился ли каждый из нас от равнодушия и самоуспокоенности, считает ли он происходящие в стране события касающимися лично его судьбы?

Мы являемся народом с великим прошлым. Есть у нас оставленное предками богатое духовное и культурное наследие. Оно – наша надежда и опора. Наш народ славится миролюбием, созиданием и верой в будущее. Благодаря независимости наша страна делает уверенные шаги к процветанию и благополучию. Однако наши успехи и мир не дают кому-то покоя. Надо всегда помнить об этом.

Надо быть бдительными, бдительными и еще раз бдительными. Словом, бдительность должна стать нашим оружием.

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ.**

3 ОЛИЙ ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
«МАЛАКАЛИ ОФИЦЕРЛАР ТАЙЁРЛАЯПМИЗ!»



4 БАРКАМОЛ АВЛОД - 2005
ЧИРЧИҚДА ПОРЛАДИ МАШЪАЛА



7 1 ИЮНЬ – ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ
ФАРЗАНДЛАР – КЎЗИМИЗ ҚУВОНЧИ



10 ТВОЙ ИНТЕРЕС
РОСПИСЬ ПО ЖИВОМУ... АВТОМОБИЛЮ

КУЧ – БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА



# БИЛИМ – МУВАФФАҚИЯТ КАЛИТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ДТМга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 293-сонли қарори билан абитуриентларнинг олий ўқув юртларига сифатли қабул қилинишини таъминлаш, шунингдек, таълимнинг барча турлари бўйича ўқув режалари ва дастурларини тайёрлаш сифатини, республика таълим муассасаларида тест ва рейтинг балларининг холисоналигини назорат қилиш юзасидан жавобгарлик юкланган. Мазкур вазифалардан ҳам кўриб турибсизки, ДТМ зиммасига нафақат таълим муассасаларига талабалар танлашда тест синовларини ўтказиш, қолаверса, мазкур тизимнинг таълим мазмунини назорат қилиш ҳамда унинг сифатли бажарилишига жавобгарлик масъулияти ҳам белгиланган.

**– Тарихдан маълумки, бизнинг ота-боболаримиз азалдан чуқур билимли, кенг фикрловчи одамлар бўлишган. Улар ҳам ўз навбатида имтиҳон ва синовлардан ўтишган. Сизнингча, уларнинг билими қайси мезонларга асосан ўлчанган?**

– Зарурият ва белгиланган талаблар асосида баҳолаш механизми шаклан ҳар хил бўлиши мумкин, лекин шахс салоҳиятини баҳолаш шакли қандай бўлишидан қатъи назар мазмунан холислик ва адолатлилик асосида маълум қонуниятларга таянган ҳолда ечилиши шарт. Шу боисдан ҳам, ота-боболаримиз салоҳияти илму фан соҳасида мукаммал баҳоланганлиги тарихий манбаларда кўплаб далиллар асосида келтирилади.

Агар касб-ҳунарга нисбатан ота-боболаримиз салоҳиятининг баҳоланишини айтадиган бўлсак, бунда бир ҳақиқатни эслаш кифоя: устоз шогирдини ҳеч қачон яхши уста ёки касбнинг мукаммал эгаси бўлдинг, деб баҳоламаган. Фақат шогирдининг мустақил фаолият кўрсатишини таклиф этган ва шунда шогирд аҳлан устозининг баҳосини сезган. Айнан мазкур ҳақиқатдан яна шуни англаш мумкинки, ҳар қандай касб ёки илмий натижа тугалланган ҳолат бўлмайди, аксинча, кейинги янгиликларга, илмий-техникавий ривожланишларга асос бўлиб хизмат қиладиган ҳолат эканлиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир. Шунинг учун бўлса керакки, устоз шогирдига фақат оқ йўл тилаган, шогирдининг кейинги фаолияти тараққиёти ёки касб маҳоратининг янада мукаммаллашуви ўзига боғлиқ бўлган. Зотан, баҳолаш муаммоси доимо нисбий ва мукаммал қонуният асосида бўлишни тақозо этган. Шу боис ҳам, ота-боболаримиз баҳолашнинг холис ва адолатли бўлишини доимо қўллаб-қувватлаб келишган. Биз дунё илму фанида етакчи ўринга эга бўлган аждодларимиз билан фахрланганмиз. Бугунги авлод ҳам илм-фан ривожига ҳисса қўшиш ҳамда уни тараққий эттиришда ҳеч кимдан кам эмаслигини ва кам бўлмаслигини исбот этиб келмоқда.

**– Айтингчи, билимнинг асоси нима?**

– Билимга манбаларда табиат, жамият ҳақида шахслар томонидан тўпланган ҳаққоний маълумотлар деган таъриф берилади. Агар шу нуқтаи назардан билим тушунчасига эътибор қаратсак, айтиш мумкинки, билим ақлий заковат, кучли тафаккур ҳамда тинимсиз меҳнат маҳсули, шунингдек, назарий қарашларнинг амалиётда ечила бориши ва тасдиқланган тажрибаларнинг шахслар томонидан ўзлаштириши ҳисобланади. Масалан, автомобиль ёки электр токининг кашф этилиши каби воқеалар ҳам инсоннинг ақлий меҳнати ва тафаккурининг ҳамда ижодий фаолиятининг илмий хулосаси, қўйингки, маҳсулидир. Қайсики билимга интилиш ва ундан амалиётда фойдаланишнинг ижобий жиҳатлари бор экан, албатта, билимнинг шаклланиши ҳамда уни ўзлаштиришга бўлган ишонч ҳеч қачон сўнмайди. Президентимиз Ислом Каримов «Куч – билим ва тафаккурда», деб айтганларида, жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида билим ва унинг қандай аҳамиятга эгалигини мукаммал таърифлаб берганлар. Ваҳоланки, билимнинг асосини ташкил этадиган мазкур мезонларни ёшларимиз чуқур тушунишса, келгусида янада юксак натижаларга эришади.

**– Мустақилликка эришганимиздан кейин бизда ҳам ўқишга қабул қилишда тест жорий этилди. Тестнинг ўзига хос афзал томонлари ҳақида гапириб берсангиз.**

– **Биринчидан**, тестни ўтказиш жараёнида холислик таъминланади. Чунки республикамизнинг турли умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, шунингдек, илмий текшириш институтларининг етакчи олимлари томонидан тайёрланган тест саволлари алоқа хизмати ҳамда муаллифларнинг ўзлари томонидан ДТМга топширилади. Шу асосда тест саволлари жамғармаси шакллантирилган ҳамда жамғарма йилдан-йилга бойитилиб борилган. Энг асосийси, тест саволлари жамғармаси турли ҳудудларда фаолият кўрсатаётган ижодий изланувчан педагоглар томонидан ишлаб чиқилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу ҳолат муаллифларнинг ким эканлигини ошкор этиш ҳамда уларни аниқлашнинг мураккаблигини келтириб чиқаради. Шунингдек, айнан қайси муаллиф томонидан тузилган тест синовларининг ДТМ жамғармасига киритилганлиги номаълум бўлади. Шундан сўнг, тест саволлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида фаолият кўрсатаётган тажрибали педагог-ўқитувчилар томонидан ДТМнинг ўзида масъул ходимлар назоратида экспертиза қилинади ҳамда тузилган тест саволларининг мантиқий мазмундорлиги, мураккаблик даражаси, шунингдек, тест саволлари жамғармасининг давлат таълим стандартларига мослик даражаси текширилади.

**Иккинчидан**, тестни ўтказиш учун масъул шахс сифатида тавсия этиладиган вакиллар ҳокимликлар, вазирликлар ва ташкилотлар ходимларидан танланади, тест синовларини ўтказиш учун белгиланган бинолар эса ҳокимликлар ва олий таълим муассасалари томонидан тавсия этилган жойларда ўтказилади.

**Учинчидан**, тест материалларини қабул қилиш ва абитуриентлар жойлаштирилган аудиторияларга тарқатиш маҳаллий ҳокимликлар томонидан тавсия этилган аудитория раҳбари ва кузатувчилари томонидан амалга оширилади.

Демак, холислик тамойили асосида ташкиллаштириладиган тест синови ҳар йили 1 август куни адолатлилик тамойили асосида республикамизнинг барча ҳудудида бир вақтнинг ўзида жамоатчилик раҳбарлиги ҳамда назоратида ўтказилади. Тест материаллари ўша куннинг ўзидаёқ ДТМга олиб келинади ва абитуриентлар томонидан тўлдирилган жавоблар варақаси махсус электрон қурилмаларда ўқилади ҳамда тўплаган баллари абитуриентларнинг жавоблар варақаси рақамига тегишли ҳолда эълон қилинади. Айнан шу ўринда айтиш жоизки, 250 мингдан зиёд абитуриентларнинг ҳар бирини махсус электрон қурилма исм, фамилияси билан эмас, балки рақамлар асосида тезкорлик билан ўқийди.

**– Бугунги кунда мустақил Ўзбекистонимизнинг фарзандлари жаҳоннинг нуфузли университетларида таълим олишаяпти. Бизда жорий этилган тестларнинг бошқа жойлардаги тестларга ўхшаш ва ўзига хос хусусиятлари қандай?**

– Зеро, тест тизими жорий этилгандан кейин талабалик бахтига муяссар бўлган ҳамда хорижий давлатларда таҳсил олиб келган, таҳсил олаётган ёшларимиз, билим салоҳиятининг юқори эканлигини кўрсатув ва эшиттиришлар, нуфузли журнал ва газеталардаги мақолалар орқали ҳам билиш мумкин. Таълимий тест ва унинг мақсади ҳамма мамлакатларда ҳам бир хил, яъни шахс салоҳиятини холисона баҳолашдан иборат. Лекин тестни ўтказиш ва унинг ташкилий жиҳатларида бир-бирига ўхшамайдиган ҳолатлар ҳам бўлади. Шунингдек, уни ўтказиш муддатларида ҳам ҳар хиллик мавжуд. Тест тизими жаҳондаги кўплаб мамлакатларда жорий этилган ва уларда ҳам шахс салоҳиятини баҳоловчи восита сифатида қўлланилади. Жумладан, Англия, Франция, Туркия, Россия каби давлатларда ҳам тест орқали абитуриентларнинг билим даражаси синалади. Тест тизимининг асосий ўхшаш томони шундаки, уларда ҳам тест натижалари асосида олий таълим муассасаларига талабалар қабули амалга оширилади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, абитуриентлар Италияда 3 та фандан, Болгария, Исландия, Латвия, Словакия ва Чехияда 4 та фандан, Венгрия ва Эстонияда 5 та фандан, Нидерландияда 6-7 та фандан тест топширса, Колумбияда эса 7 та фандан топширадилар. Умуман, мамлакатимизда жорий этилган тест тизими мақсад ва мазмуни жиҳатдан хорижий мамлакатларда жорий этилган тест тизимидан кескин фарқ қилмайди. Қолаверса, мамлакатимизда жорий этилган тест тизимини такомиллаштириш тўғрисида таклифлар тайёрланмоқда ва изланишлар олиб борилаяпти.

**– Тест синовлари жорий этилгач, ҳуснихатга бўлган эътибор четга сурилди. Шунингдек, оддий сўзларни ёзишда ҳам имло хатога йўл қўяётганлар кўплаб топилади. Бу ҳолат тест имтиҳонларининг салбий томони эмаслигини эътироф эта оласизми?**

– Тест жамиятимизга абитуриентларни таълим муассасаларига адолатли ва холисона қабул қилиш мақсадида жорий этилган. Бугунги кунда ушбу мақсад тест тизими орқали ижобий натижалар асосида амалга оширилиб келинмоқда. Айтиш мумкинки, республикамиздаги барча олий таълим муассасаларида бир вақтда ва бир хил тартибда ўтказиладиган тест синовларига нисбатан тест тизимига баҳо бериш асло мумкин эмас. Ваҳоланки, тест синовларига тайёргарлик кўриш, жавобларнинг тўғрисини топишдаги изланиш, ўқув адабиётлари билан ишлаш ҳамда тил ва адабиёт ёки бошқа фанлардан берилган тест топшириқларини ёзма равишда ҳал этиш ишлари ўқувчилар ҳуснихати яхши бўлишини таъминлайди. Модомики, шундай экан, ўқувчиларимиз ўртасида ҳуснихатга оид қилиниши керак бўлган ишлар зарурияти бўлса, уни бартараф этишга тўғри келади. Бунинг учун ёшларимизнинг хат-саводини чиқаришда муҳим ўрин эгалловчи устозларимиз, мактаб таълими тизими фидойилик кўрсатиши керак. Шу ўринда айтиш жоизки, абитуриент тест синовларини умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини тугатиб, давлат намунасидаги ҳужжатни олгандан кейингина олий таълим муассасасига ҳужжат топширади. Қолаверса, ўқувчи ҳуснихати ва имлосининг шаклланиши бошланғич синфларда мукаммал бажарилиши керак бўлган ҳолат, деб ҳисоблайман.

**– Ҳозирда қайси соҳани олманг, албатта, тестга дуч келасиз. Ишга ҳам тест саволларига жавоб бериб қабул қилинасиз. Тест ҳарбий соҳага ҳам кенг жорий этилмоқда. Тестнинг истиқболи тўғрисида тўхталиб ўтсангиз.**

– Ҳамма соҳаларга ҳам тестнинг жорий этилиши ва ундан ижобий натижа сифатида ҳамда маълум қонун-қоидалар асосида фойдаланиш яхши натижаларга олиб келмоқда. Аммо ишга ёки бошқа соҳага тестнинг жорий этилиши мазмунидаги саволларни фақат савол-жавоб эмас, балки тест саволларини тузиш мақсади, мантиқий мазмундорлигидан келиб чиқиб амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Айниқса, тест ўтказишни ўрнатилган тартибда тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар асосида қўллашга йўл қўйилса, менимча, шунда тест ҳамда ундан кўзланган мақсаднинг сунъийлашиши, аниқроғи, қадр-қимматининг йўқолишига йўл қўйилмайди. Тест ва унинг истиқболи тўғрисида тўхталадиган бўлсак, бугунги кунда тест саволлари мазмунан янада такомиллаштирилмоқда, шунингдек, ДТМга ташкилот ва фуқаролардан кўплаб мурожаатлар тушмоқдаки, унда тестнинг афзаллиги, холисона баҳолаш усули сифатида қўлланилаётганлиги ҳақида илиқ фикрлар билдирилмоқда. Бундан ташқари, тест тизими мамлакатимизда фақатгина талабалар танловини ўтказиш ишларида эмас, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш борасида ҳам қўлланилаётган усул сифатида қаралмоқда.

**– Хабарингиз бор, айни пайтда Ватан ҳимоячиларининг интеллектуал салоҳиятини оширишга катта эътибор берилаяпти. Бу борада Давлат тест маркази ҳарбийларга қандай кўмак бериши мумкин?**

– ДТМ олий ҳарбий таълим муассасаларига курсантлар танловини ўтказади ва тест натижалари бўйича фанлардан интеллектуал салоҳияти юқори абитуриентларни танлаб беради. Шунингдек, ДТМ 2004-2005 ўқув йилидан бошлаб, сержантлар тайёрлаш мактабига тест синовлари асосида танлов ўтказиш жараёнида ҳам қатнашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида ҳарбий таълим тизимини такомиллаштиришнинг қўшимча чоралари тўғрисида»ги Фармойишига асосан, ҳарбий таълим муассасаларига курсантлар қабул қилиш учун ўтказиладиган тест синовларини ўтказиш муддатларига ҳам қисман ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, тест синовлари олий ҳарбий таълим муассасалари учун 10 июль куни ўтказилиб, таълим муассасаларига курсантлар ва тингловчилар қабули 15 июль куни амалга оширилади. Бундан ташқари, ҳарбий қисмнинг махсус тавсияномасига эга бўлган абитуриентларга тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 10 ва 20 фоизини олиш имтиёзи ҳам берилган. Бу ҳолат ҳам ҳарбий қисмларда намунали хизмат қилган абитуриентларга берилган яхши имтиёз ҳисобланади. Шунингдек, ДТМ доимо ҳарбий соҳа мутахассислари ва мутахассислар тайёрлаш жараёни билан ҳамкорлик қилмоқда.

**– Давлат тест маркази резервга бўшатилган ҳарбий хизматчиларга олий ўқув юртларига киришлари учун тайёрлов курслари ташкил этиш борасида иш олиб бораётган экан. Ана шу курсларга қабул қилиш қандай тартибда амалга ошириладди?**

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 мартдаги «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтариш тартиби тўғрисида»ги Қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Давлат тест маркази қўшма буйруғи қабул қилинган. Мазкур буйруқ асосида резервга бўшатилган ҳарбий хизматчиларга олий ўқув юртларига киришлари учун олий таълим муассасаларида бепул махсус тайёрлов курслари ташкил этилади ва мазкур курсларнинг фаолият кўрсатиш муддати 2 майдан 23 июнгача (12 ҳафта) белгиланган.

**– Ватан ҳимоячиларига тилакларингиз?**

– Ватан тушунчасининг ўзи нақадар муқаддас эканлигини, унга содиқлик билан хизмат қилиш масъулиятини ҳар бир Ватан ҳимоячиси мукаммал тушунишини истайман. Уларда Ватан посбони номига лойиқ эканлигидан фахрланиш ҳисси асло сўнмасин. Шундагина ёвуз ниятли нопок кимсалар Ватанимиз сарҳадларидан бўйлашга жазм эта олишмайди.

**«Ватанпарвар» мухбири**
**Зулфия ЮНУСОВА суҳбатлашди.**

Ислоҳотлар жараёни

# АРМИЯ – МЕНИНГ ҲАЁТИМДА

**Ҳаёт мактабини ўтаган ёшлар – бугун уларни турли соҳа эгалари сифатида кўрасиз. Улар ҳар томонлама бошқалардан ажралиб турадилар. Муҳандис, илмий ходим, офицер, муаллим, хуллас, мамлакат тараққиётига хизмат қилувчи барча соҳаларда уларни учратиш мумкин. Бугунги қаҳрамонларимиз мамлакатимизнинг энг нуфузли олий даргоҳларида таҳсил олаётган толиби илмлардир. Армия сизнинг ҳаётингизда қандай из қолдирди, деган умумий саволга уларнинг жавоблари қуйидагича бўлди:**

**Абдулҳамид:**

**– Менинг тақдирим мамлакатим тақдири билан бир бутунликни ташкил этишини англаб етдим.**

**Фаррух:**

**– Буюк келажак пойдеворини ҳаёт синовларидан муносиб ўтолган комил ёшлар яратишига яна бир бор амин бўлдим.**

**Файзулло:**

**– Юрт ҳимоясидан кўра шарафлироқ вазифа йўқлигига ҳаёт мактаби ишончимни оширди.**

## ТИЛ БИЛГАН ЭЛ БИЛАДИ

1990 йилда Тошкент давлат университети ҳузурида шарқ факультети негизида Шарқшунослик институти ташкил қилинди. 1991 йил 15 июлда эса Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармони билан Тошкент Давлат Шарқшунослик институтига айлантирилди. Унинг тарихи узоқ 1918 йилга бориб тақалади.

Шарқшунослик институти ўтган йиллар мобайнида турли мамлакатлардан келган ёшлардан юқори малакали шарқшунос мутахассислар етказиб берди. Жумладан, Болгария, Германия, Лаос, Мўғулистон, Вьетнам, Польша, Афғонистон, Сурия, Миср, Япония, Покистон, Ҳиндистон каби мамлакатлардан келган 100 дан ортиқ талаба ва аспирант институтда таълим олиб қайтди.

Бу ерда истеъдодли талабалар ҳар томонлама рағбатлантирилади. Ўқув ва жамоат ишларида ўрнак кўрсатган талабаларга турли имтиёзли стипендиялар мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси, Банклар Ассоциациясининг махсус стипендияси, Навоий номли, Замахшарий номли ички стипендия ва ректор стипендиялари шулар жумласидан.

Ҳозирги кунда Шарқшунослик институти Марказий Осиёда ягона шарқшунослик марказига айланган йирик ўқув ва таълим маскани ҳисобланади. Абдулҳамид Муталипов республикамиздаги ана шундай нуфузли олий даргоҳнинг талабасидир. У Марказий Осиё халқлари тарихи факультетининг 4-курсида таҳсил олади.

Абдумалик ака ва Юлдуз опа Муталиповлар хонадони юртимиздаги кўплаб оилалардан деярли фарқ қилмайди. Уларнинг тўрт фарзанди ҳам бекаму кўст тарбия шарофати билан кўпчиликнинг ҳурматини қозонишган. Чеварликда Нодирага тенг келадиганлар камдан кам топилса керак. Мухлиса эса энг эпчил қандолатчи сифатида пойтахт ресторанлариаро танловда ғолиб бўлган. Бўлғуси ҳуқуқшунос Абдулазиз Ички ишлар вазирлиги Академиясида ўқишни давом эттирмоқчи. Абдулҳамид оилада тўнғич фарзанд. Бир сўз билан айтганда, намунали ёшлар, ибратли оила.

Талаба йигит Жиззах гарнизонида йигитлик бурчини ўтаб қайтган. Хизмат давомида тўрт бора хизмат жойини ўзгартиришига тўғри келган. Ана ўша тўрт жойдан ҳам посбон йигитнинг ота-онаси номига қисм қўмондонлигининг миннатдорчилик мактуби тўрт бора келди.

Абдулҳамид хизматга қадар пойтахтдаги 64-иқтисодга ихтисослаштирилган лицейда таҳсил олган эди. Спорт билан мунтазам шуғулланиши билан бирга аъло баҳоларга ўқиганлиги туфайли хизматда айтарли қийналмади. Ҳарбий жамоаси бир ярим йил давомида бир неча бор ўзгаришига қарамай намунали хулқи, билимдонлиги билан ҳамма жойда ўз ўрнини муносиб равишда топа билди. Полковник Шароф Абдуллаев, адлия полковниги Н.Абдуллаев, майор Икром Раматовлар нафақат ҳарб илмини, балки, инсоний фазилатлардан ҳам сабоқ берганлигини, лозим вақтда оғаларча ёрдамларини ҳам аямаганликларини ҳурмат билан эслайди.

Қаҳрамонимизнинг армия хизматини ўтаганлиги устозлари ва дўстларининг унга бўлган ҳурмат ва ишончини янада оширди. Шу сабабли ҳарбий таълим машғулотларида йигирма нафар йигитга етакчиликни унга ишониб топширдилар. Абдулҳамид Муталипов ҳарбий кафедра курсини муваффақиятли якунлаб лейтенант унвонига эга бўлди, резервда, албатта.



Олий даргоҳнинг етакчи мутахассислари Жумали Шабанов, Жасур Зиямуҳамедов, Икром Бултаков, Аваз Воҳидовлар Абдулҳамидга устозлик қиладилар. Бу ерда немис ва араб тилларини ўрганди. Рус, турк, инглиз тилларини мукаммал эгаллаган. Шу жойда яна бир бор ҳарбий хизматга қайтсак, маълумки, Қуролли Кучларимизда турли мамлакатлар билан тинчлик йўлидаги ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Ана шундай ҳамкорлик натижасида юртимизга хориждан келган бир гуруҳ ҳарбийларга иқтидорли посбон йигит хизмат давомида бир муддат таржимонлик ҳам қилган.

Абдулҳамид ўқишни битириш арафасида. Айни шундай кунларда МХХ, ИИВ ва яна бир қатор ташкилотлардан унга биргаликда ишлаш таклифлари тушди. «Марказий Осиёда Будда динининг келиб чиқиши ва тарқалиши» деб номланган диплом иши ҳам ниҳоясига етиб қолди. Абдулҳамид ўқишни яна давом эттириш ниятида. Мен эса юртимнинг шундай зукко ўғлонлари борлигидан қалбимда чексиз бир ифтихор туйғуси ила унга муваффақият тилаб қоламан.

## МЎЪЖИЗА ЯРАТУВЧИ КАСБ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетини юртимизда билмайдиган одам топилмаса керак. Чунки мамлакатимизнинг ҳар бир таълим масканида ушбу олий даргоҳда таҳсил олган мутахассислар фаолият юритадилар.

Навбатдаги қаҳрамонимиз Фаррух Акмалов. У Педагогика университетининг чет тиллар факультети 4-курсида таълим олади.

Бу йигит ҳақида шунчаки гапириш мумкин эмас. Ҳаёт синовларига, тўғрироғи, ҳаёт зарбаларига мурғак ёшидан дуч келган, жиддий, теран фикрловчи, иродали ёш инсонга устозлари ҳам ўзгача ҳурмат билан қарайдилар.

– Ёшлар унча-мунча одамни ўзларига етакчи деб тан олавермайдилар, – дейди декан ўринбосари Ўткир Муродов. – Ана шундай вақтларда ҳарбий хизматни ўтаб келган йигитлар ўз-ўзидан кўпчилик овоз билан етакчиликка тайинланадилар. Армия мактабини ўтаб келган йигитларда масъулият ҳисси, бошқарувчилик қобилияти юқори эканлиги ўзларини тутишлари ва хатти-ҳаракатлари орқали билиниб туради. Фаррухга келсак, у нафақат етакчи, керак вақтда ишончли дўст, вазмин ва доно маслаҳатчи ҳамдир.

Тан олиш керак, сўнгги йилларда йигитларимизнинг муаллимлик касбини эгаллашлари кўпчиликни бирмунча ҳайратга соладиган бўлиб қолди. Фаррухдан бу ҳақда фикрини сўраганимизда унинг жавоби қуйидагича бўлди:

– Дадам Шавкат ака Акмалов узоқ йиллар шу касбда ишлаганлар. Вафотларига қадар футболга ихтисослашган мактаб-интернатга бошчилик қилардилар. Муаллимнинг фарзанди намунали хулқи, билимдонлиги билан бошқаларга ўрнак бўлиши керак. Муаллимлик оддий касб эмас, мўъжиза яратувчи касб, элим деб, ёниб яшайдиган ҳақиқий фидойилар касби, деб кўп бора таъкидлардилар. Мен ана шу инсоннинг тарбиясини олиб катта бўлганман.



Улар оилада икки фарзанд – синглиси Ҳилола пойтахтдаги енгил саноат коллежини тамомлаган. Комронбек ва Камола исмли фарзандлари бор. Фарзандларини етаклаб ота уйига келганида ҳовлилари янада чароғонлашиб, Фаррухнинг-да қалби ёруғ ҳисларга лиммо-лим тўлади. Онаси Шоира опа вафот этганида Фаррух уч ёшда эди. Уч ёш... Бу ёшдаги митти инсон онаси ҳақида нимани ҳам эслаши мумкин. Йўқ, нимани эмас, бу ёшда энг муҳимини эслаб қолган экан: «Ойим ниҳоятда меҳрибон, ниҳоятда чиройли аёл эдилар». Изоҳга ҳожат бормикан?

Фаррух Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округнинг алоқачилар қисмида йигитлик бурчини ўтаган. Капитан Абдуқаҳҳор Юсупов, офицерлар Абулқосимов, Наврўзовларни чуқур ҳурмат билан эслайди. Офицерлар билан аскарлар ўртасидаги ўзаро ҳурматга асосланган соғлом ва жонли мулоқотлар кечагидек ёдида. Жамоада Фаррухни компьютер устаси сифатида тан олардилар. Яна унинг ҳеч кимдан ёрдамини аямаслиги ўзгача ҳурматга лойиқ эди. Ҳарбий жамоада у каби билимдон, зукко посбонлар кўпчилик эди. Улардан бири Абдумалик Акрамов ўзи таҳсил олган университетда ўқитувчилик қилмоқда, бухоролик Шавкат Юсупов ҳам шу олий даргоҳ талабаси, Роман Бекчантаев эса ички ишлар ходими. Ҳаётда ўз ўрнини муносиб равишда эгаллаган сафдошлар номини яна узоқ давом эттириш мумкин.



Толиб йигит тарихий адабиётларни севиб мутолаа қилади. Муборак истиқлол шарофати билан тарихимизнинг шонли саҳифаларига кўз ташлай олдик, дея эътироф этади Фаррух. Шавкатли аждодлар тарихи буюк келажак учун илҳом, руҳий куч-қувват манбаидир, деб билади қаҳрамонимиз.

Чет тиллар факультети профессор Жамол Жалолов, Фарид Юзликаев, Шуҳрат Муҳамедов каби фидойи устозлар билан ҳақли равишда фахрланади. Фаррух улар ҳақида гапирар экан, «инсонлар орасида энг асл инсонлар», дея таъриф беради. Қаҳрамонимизнинг келажак режалари улкан. Билимига ишонадиган йигит қўшимча мутахассисликни эгаллаш учун яна ўқиш ниятида. Омадингни берсин, Фаррух!

## ҒАЛАБАНИНГ ФАХРИ

Ғалабанинг фахри қанақа бўларкан, деб ажабланманг. Ғалаба олис Сурхон воҳасининг Сариосиё туманида жойлашган чекка қишлоқ. Бу қишлоқдан ҳали офицер чиқмаган.

Ҳарбий хизматдан Файзуллонинг ота-онаси номига келган миннатдорчилик мактублари қишлоқдошларни унчалик ҳам ҳаяжонга солган эмас. Ҳа, энди, йигит дегани ҳарбий хизматни дўндириб қўёлмаса, ўғил ўстирдим, деб оғиз очмаган маъқул – кўпларнинг фикри шундай бўлди. Аммо кунларнинг бирида чекка қишлоқ аҳолисини ҳаяжонга солган воқеа юз берди. Ўзига ярашиқли яп-янги курсантлик либосида, кўзлари қувончдан порлаб турган йигитча барчанинг эътиборини тортиб, она қишлоғига илк таътилни ўтказиш учун кириб келди. Сезгандирсиз-а, албатта, бу – Файзулло эди.

Уни кўргани биринчи бўлиб қишлоқнинг кекса, ҳурматли оқсоқоллари келишди. Ҳаммалари бир-бир бағриларига босиб, уни қутлашди ва узоқ дуо қилдилар. Мактаб директори Имомали ака Саидов эса унинг қўлларини қисиб мактабга таклиф этди. Файзулло ҳам жон деб бу таклифни қабул қилди.

Шу куни жонажон мактабида қадрдон устозлари, мактабдошлари даврасида ҳаяжон билан Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, устоз-офицерлар, сабоқдош курсант дўстлари ҳақида узоқ гапирди. Унга ҳавас, ҳайрат билан боқиб турган кўзларда бир вақтнинг ўзида меҳр ва ифтихор ёлқинлари мужассам эди.

– Сен ҳамиша мактабимизга обрў олиб келгансан, – деди Имомали Саидов. – Биз сенга ишонамиз, сен билан фахрланамиз, сен туфайли мактабимиздан шарафли касб этагини тутувчи оловқалбли ёшлар яна чиқиши тайин. Қаерда бўлсанг ҳам сен билан фахрланадиган, муваффақиятларингдан ўзинг каби қувонадиган яқинларинг борлигини унутма.

Шу куни биринчи муаллимаси Гулбаҳор Ёрматовадан тортиб, жажжи болакайларгача унга омад тилаб, дил сўзларини айтдилар. Таътилдан қалби бир олам эзгу ҳисларга тўлиб қайтди. Шарафли касбни танлаб янглишмаганини шу дафъада дил-дилидан ҳис қилди.

Курсант йигитнинг отаси Саъдулла ака таъмирлаш устахонасида ишчи бўлиб ишлайди. Онаси Турсуной опа далада меҳнат қилади. Улар олти фарзанд тарбиялаб вояга етказдилар. Файзулло уларнинг кенжа фарзанди. Акаси Суюн юрист, Суярқул тадбиркор, Зарифа, Зарина, Зилолалар чеварликни танлашди.

Қишлоқда кичкина болаларнинг ҳам ўз юмушлари бўлади. Йил – ўн икки ой бу ерда иш қайнаб ётади. Бу юмушлардан ортиб, мактабда ҳам аъло баҳоларга ўқиш, ҳар қанча таҳсинга лойиқдир. Бунинг устига миллий кураш бўйича вилоят чемпионлигини қўлга киритганлигига нима дейсиз! Файзуллонинг болалик орзуси ҳарбий бўлиш эди. Ҳарбий хизмат даврида бу орзу аниқ мақсадга айланди. Меҳнатда суяги қотган, унча-мунча қийинчиликларни писанд этмайдиган ғайратли йигит тезда устоз-офицерлар назарига тушди. Офицерлик касбига муҳаббатини оширган инсонлардан бири капитан Латифжон Адилов эди. Жанговар машина ҳайдовчи-инструктори Файзулло Абдуллаевнинг тиришқоқлиги, бурчига бўлган садоқати, фидойилиги қисм қўмондонлиги томонидан муносиб баҳоланиб, Тавсиянома билан тақдирланди. Бу эса Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига кириш учун ҳал қилувчи имтиёз бўлди.

Файзулло мотоўқчилар факультетининг энг иқтидорли курсантларидан биридир. Шуниси диққатга сазоворки, бирга хизмат қилган сафдош дўстлари термизлик Аслиддин Темиров, фарғоналик Рашиджон Нишоновлар ҳам у билан бирга ушбу нуфузли даргоҳда таълим олмоқдалар. Офицерлар Зафар Тўраев, Адҳам Мухторовлар касбий тажрибаларига таяниб, Файзулло Абдуллаевнинг келажакда етук ҳарбий бўлишига ишонч билдирдилар. Устозлар ишончи сенга қанот бўлсин, йигит!

**Инобат ИБРОҲИМОВА,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Александр МРУЧАК,**
**катта лейтенант**
**Ҳасан МИРЗАЕВ олган суратлар.**

## ТВОЙ ИНТЕРЕС

# РОСПИСЬ ПО ЖИВОМУ... АВТОМОБИЛЮ



**Выделиться из общего потока на дороге хочет любой автомобилист. Другой вопрос: как? Есть несколько способов достижения самовыражения. Можно собрать себе автомобиль на заказ, можно сделать тюнинг конвейерному близнецу. Можно так же оживить ретромобиль. Но есть способ добиться уникальности – это художественная роспись, аэрография!**

**Первые раскрашенные автомобили появились в начале прошлого века в США, и только в 80-х эта мода «заразила» Европу.**

### ТРАДИЦИИ

В Европе и Америке клиент предпочитает не выходить за рамки общепринятых традиций. Там в основном используют различные красивые линии по кузову автомобиля и вариации на тему огня. А вот посадить тигренка на капот на Западе не торопятся. Там это не принято.

Но для автовладельца на сегодняшний день границы самовыражения намного шире: одним хочется хищника, другие хотят стать обладателями высокохудожественного сюжета на кузове машины, стремясь к оригинальности, поощряют полет фантазии художника. Оригинально и романтично смотрится на двери «Мерседеса-Смарт» девочка. Она, словно Буратино в сказке, из любопытства прорывает холст, ставит на нем кляксу.

### ЗАКАЗЧИК

Кто он? Женщина или мужчина? Оплачивают работу чаще мужчины, но не для себя, а для женщин. Понятно, зачем это нужно дамам, а зачем расписывают авто мужчины? Видимо, это способ самоутверждения, выброса эмоций. Кстати, поэтому росписям подвергаются те модели авто, которые уже предполагают индивидуальность. Это, так сказать, автомобиль на выход: спортивные модели или двухдверные «седаны». Хотя в последнее время появилась тенденция разрисовывать и «джипы». Солидные, мощные автомобили украшают, например, рисунком вальяжного льва или тигра с грозным оскалом.

### ИНСПЕКТОР НА ДОРОГЕ

Замечено, если живопись интересная, дорожная полиция останавливает автомобили чаще. Агрессивный рисунок осложняет ситуацию на дорогах. Но все ограничивается простым любопытством: сколько стоит, где делали, почему именно этот рисунок? Владельцам подобных авто остается уповать на чувство юмора у инспекторов или любовь к прекрасному.

### TIME

– Если рисунок наносится на всю машину, то работа займет не меньше трех недель. Но этому предшествует масса других важных и необходимых мероприятий: вначале определяется тема, которую хотел бы видеть клиент на своем автомобиле. Потом художники придумывают сам рисунок, который согласуется с заказчиком. Когда эскиз утвержден, то автомобиль пригоняют в ателье. И вот с этого момента уже начинается работа по росписи: машина оклеивается маскировочной пленкой (остаются открытыми только те детали, на которые будет наноситься рисунок), поверхность подготавливается с соблюдением технологии покраски автомобиля. Бытует мнение, что перед нанесением рисунка с автомобиля варварским способом сдирают заводской лак и краску до самого металла. Лак и краска остаются нетронутыми, а поверх рисунка еще наносится защитный слой автомобильного лака.

### MONEY

Роспись автомобиля в среднем обходится от 4 до 10 тысяч долларов. Все зависит от сложности рисунка. К примеру, на одном «Мерседесе-Смарт» создали композицию «Осенний джаз». В ней использовалась инкрустация сусальным золотом, которую потом сверху тонировали автомобильной краской. Эта технология кажется очень интересной. С ее помощью можно инкрустировать на авто и фамильный герб, и вензель клиента!

### MODA

Автоживопись входит в моду потому, что появились люди, которые достаточно обеспечены и могут задуматься о красоте вещей. Хотя у каждого автомобилиста свое представление о красивом автомобиле. Для кого-то – это ретроформы. Кто-то пытается изменить облик своего авто с помощью аэродинамических или рестайлинговых комплектов. В любом случае, для тех и других автомобиль – не просто средство передвижения, а символ престижа. Аэрография на автомобиле – еще один способ проявить свою индивидуальность.

**(По материалам печати).**

## СЕНИНГ ИШҚИНГ РУҲЛАНТИРАР...

«Салом, Хуршида! Яқинда ёзган мактубингни олдим. Очиғи, хатинг соғинчимга малҳам бўлди, менга қишлоғимиз нафасини олиб келди. Янаги мактубингда суратингни ҳам жўнатсанг, бошим осмонга етарди. Аскар сафдошлардан бирининг яхши кўрган қизи ваъдасига вафо қилмабди. Биз унга «қўявер, дўстим, вафо, садоқат ана шундай кунда билинади. Сен Ватанни, ўша суюклигингни ҳимоя қиламан деб, сафларга келгансан. Агар сендай йигитга вафо қилмабдими, демак муҳаббати ёлғон экан», дея тасалли бердик. Шунда муҳаббатимиз, сен ёдимга тушдинг. Ичимда «Менинг севганим дунёда ҳаммадан гўзал, ҳаммадан аъло. У ҳаётни, вафони ўзига либос қилиб олган», дедим.

Хизматлар ҳақида сўз очадиган бўлсам, кун тартиби, белгиланган режа асосида машғулотлар ўтаяпмиз. Тағин мақтанаяпти, деб ўйлама. Мен аълочилар сафига қўшилдим. Полигонда бўлиб ўтган дала-ўқув машғулотларида жанговар қуролдан нишонларнинг барига бехато отдим. Яқинда бўлган ижтимоий-сиёсий тайёргарликда эса Ўзбекистон аскарининг бурчи, мажбуриятлари хусусида сўзлаб бердим. Тўғриси, сен ёзаётган мактублар мени ўз бурчимни аъло даражада ўташга руҳлантирмоқда. Муҳаббатинг она юртга бўлган муҳаббатга уйғунлашиб, кучимга – куч, ғайратимга – ғайрат қўшаяпти. Соғинтирмай, тез-тез мактуб йўллаб тур.

Сени жонидан ортиқ кўрувчи севгилинг

**оддий аскар САНЖАР».**

## СЎҚИР КЎЗЛИ МУҲАББАТ

Муҳаббат... қайноқ муҳаббат фақат оғзимни эмас, юрагимни ҳам куйдириб, тузалмас из қолдирди. Севги боғида табассум билан кутиб олган тасаввуримдаги ишқ охири вафо қилмади. Одамзод бу дунёда уч нарсани – бахт-омад, соғлиқ ва бойликни баробар сақлаб қололмас экан. Албатта, ниманидир бой бериш керак. Менинг биргина бахтим бир кам дунё учун қурбон бўлди.

Ўз бахтини қурбон қилаётган фақат менманми? Бошқаларнинг бахти-чи? Бироқ бир кам дунё ҳеч бут бўлмаяпти-ку? Менинг севги, муҳаббат учун очилган қалбим дарвозаларига бугун залворли қулф илинган. Бевафога алданиб очилган бу дарвоза энди ўзгага очилмайди. Мен ўз севги мактубларимни қоғозга эмас, кўзларимга битган эдим. Афсус, уни ўқий олмади. Баъзан кўзларим бу сирларни кимгадир айтгиси келиб, маъюс тортади. Ўзига дардкаш бўлган ўша кўзни излайди. Лекин топа олмайди. Қовоғимдан қор ёғиб, кўзим тафтига дош бера олмай, сел бўлиб оқади. Унга қўшилиб сирларим ҳам оқади ва кўксим узра оқиб ўтиб, юрагим маконида ёниб турган муҳаббат алангасига қуйилади. Шундагина юрагим фарёддан тўлиб тошади-ю, шундагина бўғзим узра «оҳ» деган ўт чиқади. Шунда ҳам сен эшитмайсан. Бу оҳу нолалардан еру кўк, тоғу тош, саҳрои сойлар хабар топади. Аммо сен бехабарсан. Йиллар ўтиб, ўша алангадан бир ҳовуч кул қолади. Аммо уни нимадир... ҳа, нимадир титкилайди. Балки бу куз шамолидир. Лек ундан учқун чиқмайди. Орзуларга бой муҳаббатим сўниб, кулга айланди. Энди фақат мен нафрат ярасига малҳам излайман.

**Нафиса ҲАЙДАРОВА, ТДПУ талабаси.**

## ДЕВУШКА НЕДЕЛИ



**Дина ЭШЕНБАХ** в свои **18 лет** довольно целеустремленный человек. Серьезность ее суждений и взглядов отмечают все ее сокурсники. Обучаясь на первом курсе факультета немецкой филологии Национального университета Узбекистана, она уже сегодня ставит перед собой цель непременно побывать на родине Гете, чтобы утолить жажду своих амбиций – испытать себя и применить полученные знания в исключительно немецкоговорящей среде.

А еще Дина – очаровательная девушка, добрая и милая. Ну разве устоит перед ее красотой молодой человек и не сделает ей комплимента.

Сделайте! Ей будет приятно.

Мафтункор чеҳралар... Саҳна юлдузлари деб ўйлаяпсизми? Йўқ. Албатта, уларни ҳам юлдуз дейиш мумкин, фақат, орамиздаги юлдузлар. Ўқишда, ишда, борингки, барча соҳаларда ўз иқтидор ва истеъдодлари билан ёниб турадиган, яшнаб турадиган гўзал қизларимиз ҳақида бугундан бошлаб газета саҳифаларида қисқа маълумотлар бериб борилади.

Ватан ҳимоячиларининг дилбар қизларимизга аталган энг мазмундор, энг самимий дил истаклари битилган мактублари йил охирида танлаб олиниб, «Ватанпарвар» саҳифаларида суратлари билан бирга эълон қилинади, ҳамда тегишли манзилга етказилади.

Очаровательное лицо, манящие глаза... Вы подумали, что это звезда сцены или эстрады? Нет, нет, вы ошиблись. Да, девушку на фото тоже можно назвать звездой. Таких немало среди нас. И мы хотим знакомить вас с ними поближе. Начиная с сегодняшнего номера на страницах нашей газеты вы сможете знакомиться с нашими красавицами-девушками, выделяющимися талантом и способностями в учебе, на работе.

Самые содержательные, нежные письма с искренними пожеланиями защитников Родины, отправленные в адрес наших очаровательных девушек, будут переданы им, а в конце года будут напечатаны на страницах «Ватанпарвара» с фотографиями самих красавиц.

## ВАҚТНИ ТЕЖАШНИ БИЛИНГ



Кўпчилигимиз олтинга тенг бўлган вақтимизнинг ҳамиша ҳам қадрига етавермаймиз. Бунинг оқибатида эса кун давомида режалаштирган ишларимизнинг ҳаммасига ҳам улгура олмаймиз. Шундан сўнг гоҳида беҳуда асабийлашиш, жиғибийронлик, ғазабнок ҳолатлар гирдобига тушамиз. Бу кайфиятимиз хоҳлаймизми, йўқми атрофингиздагиларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Кайфиятимизда бу каби салбий ҳолатлар келиб чиқмаслиги учун руҳшунослар инсонларнинг кундалик фаолиятини ўрганган ҳолда, вақт тежашнинг ўзига хос йўлларини ишлаб чиқишди.

Ўзингиз учун бу қоидаларнинг қанчалик аҳамиятли эканлигини билмоқчи бўлсангиз, синаб кўринг! Шунда бир қарорга келарсиз...

1. **Ўз мақсадингизни аниқлаб олинг!** Кўпчилик кишилар ўз вақти ва қувватининг кўп қисмини зое кетказишади. Улар аввало ўзларини нима қилишлари керак эканлигини аниқ билмай, ҳар бир ишга қўл уришдан олдин, иложи борича бажариши керак бўлган ишнинг кўзини билиши керак.

2. **Оиладаги ишлар.** Иш кунингиз охирида, эртасига бажариш керак бўлган барча ишларнинг аниқ режасини алоҳида варақа ёзиб қўйиш керак. Рўйхатни энг асосий ва қолдириб бўлмайдиган ишлардан бошланг, бу ишларни бажармагунча бошқасига қўл урмаслик лозим.

3. **Қўлингиздан иш келишига ишонинг!** Биз ўзимиз ёқтирган ишни яхши, сифатли бажарамиз. Шунинг учун бажарилиши керак бўлган ҳар қандай ишни, менга бу иш жуда ҳам хуш келади, деб ўзимизни ишонтиришимиз керак. Шундай ўйлаб, сўнг бошланган иш, сифатли ва самарали бўлади.

4. **Аниқ вақт белгиланг!** Бажариш керак бўлган ишга чамаланган вақт, аниқ ва яхши ўйланган бўлиши зарур. Унга риоя қилишда у ёки бу ишга ўтиб кетмаслик ёки «эртасига» қолдирмасликка ҳаракат қилиш даркор.

5. **Муаммоларни ҳал қилишга ўрганинг!** Бирор муаммони ҳал қилишдан олдин, иккиланиш ва ишончсизликни йўқотиб, қўлингиздаги исбот ва далилларга асосланиб, режа тузиб, ҳаракатни бошланг.

6. **Йўқ, деб айтишга ўрганинг!** Агар бу сўзни айтишга ўрганмасангиз, ўз хоҳишингиз билан умрингизда рози бўлмаган ишга дучор бўлишингиз ҳеч гап эмас. Бошқалар кайфиятига, хоҳишига ва режаларига берилмаслик керак.

7. **Телефонда гапиришни билинг!** Телефон гўшагини кўтаришдан олдин, қайси информацияни олмоқни ёки бермоқни киши аниқ олдиндан билиши ва худди шу доирада суҳбатни олиб бориши керак. Беҳуда мулоқотни вайсаш, деб айтиш мумкин.

8. **Ён дафтарча тутишга ўрганинг!** Баъзи бир инсонлар шартли жой ёки нарсани эсдан чиқариб ёдига келганидан сўнг, қийналиб ўйланишади. Хотирага кўп нарсани сиғдириб бўлмайди ва шарт эмас. Қанча олдин ён дафтарча тутиб, унга телефон рақамлари, исмлар, манзилгоҳлар, вақтлар, таассуротлар, фикрлар, режалар ва кузатишлар киритиб борсангиз, бош оғриғи ва улгурмасликлардан халос бўласиз!

9. **Иш пайтида гаплашиб,** ҳажвия айтишни ёки турмуш муаммолари тўғрисида чақчақлашиб ўтиришни ёқтирган ходимлар бажараётган ишингизнинг белига болта урувчилардир. Бундай пайтларда киши ўзини билиб, атрофдагиларга эътибор бермаслиги керак.

10. **Эшитишни ўрганинг!** Кунига эшитиш керак бўлган бир неча зарур информациялардан асосийларини ажратиб олинг. Олдинги режаларга ўзгариш ёки янгиликлар киритилса, вақт, учрашув жойи ва йиғилиш, сизнинг вазифангиз шунга боғлиқ ва ҳоказо.

11. **Шаблон (қолип) тўғрисида.** Бизнинг кўпчилигимиз, ўз юмушларимизни аниқ ва кетма-кетлик жараёни бўйича бажарамиз. Бундай ишни яна ҳам аниқ бажаришни ҳаммамиз ҳам ўйлаймиз. Ишни тўғри ташкил қила билиш, вақтдан тўғри фойдалана билиш, унумли меҳнат натижаси бўлиб қолмай, балки кишига маънавий қониқиш беради. Сизнинг бажарадиган ишингизга ўхшаган тажрибалироқ кишининг фаолияти билан танишиш жуда ҳам фойдалидир...

12. **Майда-чуйда нарсаларни эсдан чиқарманг!** Арзимаган нарсалардан, яъни кўзойнак, калит ва бошқа майда-чуйда эсдан чиқиб қолса, бутун иш кунингиз кайфиятсиз ўтиши мумкин. Киши олдиндан автоматик равишда бу нарсаларга ўзини жалб қилиб турган бўлиши керак. Хонадан чиқишдан олдин электр асбобларини ўчиришни, газ ва сувни, ҳамма вақт эсдан чиқармасликни билиш керак. Қайси кисса (чўнтак)да калит ва ёндафтарча, қайси бирида ҳужжатлар, пуллар...

Эрталаб олиниши керак бўлган нарсаларни бир кун олдин, кечқурун тайёрлаб қўйиш керак.

13. **Ишга тез киришинг!** Агар сиз қандай ва нима қилиш кераклигини аниқ билсангиз, ишга тезгина бел боғлаб киришиб кетинг. Ҳар доим «судралиб юриш», деган нарсадан четроқ юришни эсдан чиқарманг!

14. **Вақтдан тўла-тўкис фойдаланинг!** Агар сиз иш тўғрисида ўйлашлар, режалаштиришлар ва иш кайфиятини ҳосил қилишни ишга келмасдан олдин ўйлаб қўйган бўлсангиз, иш кунингиз оз бўлсада узаяди.

15. **Дам олиш вақтида дам олинг!** Ҳар қанча фикрли киши қайси хилдаги машғулот унга ором беришини билади. У кечки ўтириш тўғрисида-ми, ишдан бўш вақтида-ми ёки таътилдами аҳамияти йўқ. Кўпчилик учун спорт машғулотлари, кино, театр, телевизион кўрсатувлар, ўқиш, сайр қилиш, дўст ва қариндошлар билан учрашувлар хуш келади. Шундай пайтлар ҳам бўладики, киши дам олиб қайтиб келиб, тинчлик, оромга муҳтож бўлиб қолади. Қачонки, у ярим кечагача карта ўйнаб келиб, сигарет тутуни тўлган хонада шахмат ўйнаб, қаҳвахонада кўп соатли кераксиз суҳбатлар, билиб-билмай кетма-кет барча телевизион кўрсатувларни кўрган бўлса. Кўпчилик бундай вақт ўтказишлар кишини хоҳишсиз, ланж, ишга ёлчимайдиган қилиб қўяди. Бундай кишилар дам олиш вақтида чарчашади, соғлиғини йўқотишади ва ўз ишига ишончсизлик ва мақсадга эришмас эканман-да, деган туйғулар пайдо бўла бошлайди.

16. **Машғулотни ўзгартиринг!** Ўз кунингизни шундай режалаштирингки, ўтириб бажариладиган ишни тик туриб бажариладиган иш билан алмаштириб туриш керак. Агар бунинг иложи бўлса, вақти билан бир неча машқлар қилиб туриш керак. Ўтириб иш қиладиган кишилар чарчоқни чиқариш учун спорт машғулотлари билан шуғулланиб туришлари керак. Иложи борича югуриш, сузиш ёки спорт ўйинлари билан шуғулланиб туриш керак.

17. **Эртароқ бошланг!** Агар ишхонага иш вақтидан 15-20 минут олдин келсангиз, демак, бугунги кунингиз яхши кайфият билан бошланади.

18. **Ўзингизнинг ва бировларнинг вақтини қадрланг!** Ўзингиз ва бошқаларнинг вақтига олий баҳо беришга ўрганинг. Бу сизнинг ишингизни олға кетишига ёрдам беради, ортиқча суҳбатлардан ўзингизни тия билинг.

**ХИТГА АЙЛАНГАН ҚЎШИҚЛАР РЕЙТИНГИНИ «TV – MARKAZ» ТЕЛЕКАНАЛИ ТАҚДИМ ЭТГАН.**



### МИЛЛИЙ ЎНЛИК

1. «Ичим ёнар» (Лола)
2. «Бахтлиман» (Шаҳзода)
3. «Фақат муҳаббат» (Райҳон)
4. «Баландда» (Шоҳрух)
5. «Рашк» (Юлдуз Усмонова)
6. «Жоним алвидо» (Жўрабек)
7. «Йўқ проблем» (Zero)
8. «Zakonni» (Д.Эргашев)
9. «Муҳаббатимсан» (Шаҳзод)
10. «Ёмғирлар» (Абдували Ражабов)

### ЕВРОПЕЙСКАЯ ДЕСЯТКА

1. «Etjattend's» (Leslie)
2. «Get right» (Jennifer Lopes)
3. «Kuzu-kuzu remix» (Tarkan)
4. «Obsession» (Aventura)
5. «Лала» (Жанна Фриске)
6. «Gentleman» (Tragedie)
7. «SMS-ная любовь» (Массква)
8. «How we do» (The Game)
9. «Et si tu Nexistais pas» (Willy Danzey)
10. «It's like that» (Mariah Carrey)



## КОППЕРФИЛЬДНИНГ НАЙРАНГЛАРИ

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирида дунё фокусчи-иллюзиончилари ва шунга ўхшаш кўзбўямачиларнинг обрўси бир пул бўлгандек эди. Чунки саҳнага Дэвид Копперфильд чиқди. Сирли кўринишининг ўзиёқ одамларда у ҳақда ҳар хил миш-мишларнинг туғилишига олиб келди. Ҳозиргина шу ерда турган пассажир поезди ёки Озодлик ҳайкалининг бирдан йўқ бўлиб қолиши ҳазилакам иш эмас-да! Лекин яқинда интернетда пайдо бўлган сайтда Тимур Абдулов исмли йигитча дунёда биринчи бўлиб Копперфильднинг «сеҳр»лари ниманинг устига қурилганини топганини эълон қилди.

Саҳнада вертикал қути турибди. Унинг ташқи тарафига ичкарида турган қизнинг сояси чизилган. Қутида қўл ва оёқлар учун тешик бор. Дэвид қиз билан бироз рақс тушгандан сўнг қиз қутига киради ва тешиклардан унинг қўл ва оёқлари чиқади. Сўнг Дэвид қутини горизонтал ҳолатга келтириб, тўққизта бўлакка арралаб ташлайди. Ҳар бир бўлак махсус пластиналар билан бўлинган. Энди у бўлакларнинг ҳаммасини сочиб ташлайди. Ё тавба, бир неча бўлакдаги оёқ-қўллар қимирлаб турибди-я!

Маълум бўлишича, бу фокуснинг ёлғони қиз қутига кирган заҳотиёқ бошланади. Гап шундаки, қимирлаб турган қўл-оёқларнинг фақат биттасигина ҳақиқий, қолганлари ясама. Фокусчи қутини айлантирганда қизнинг вазифаси – қутининг бир бурчига бukланиб олиш. Тешикдан фақат битта қўлини чиқаради, холос. Маълум даражадаги эгилувчанликда бунақа ишларни қилиш катта қийинчиликларни туғдирмайди. Фокус сўнггида Дэвид қутини қайта бирлаштириб, қиз ташқарига ҳеч нима бўлмагандек, илжайиб чиқади.

Минглаб томошабинлар кўз ўнгида бирор нарсани «йўқ» қилиш ҳам унчалик қийин иш эмас, агар пулингиз бўлса. Поезд ёки вертолёт саҳнада ҳеч қанақа чуқурларсиз ҳам йўқ бўла олади, чунки у... шиширилган бўлади. Пуфланган конструкциялар ишлаб чиқарувчи бир Россия корхонасида ҳақиқийсидан ҳеч ҳам фарқланмайдиган паравозларни ясаш учун 50-70 минг доллар керак бўлишини билдиришди. Америкада худди шунақа нарса икки-уч баробар қимматроқ бўлиши мумкин, лекин пулини икки-уч спектаклдан кейин оқлайди. Ахир Дэвид энг арзон билети 500 доллар турадиган кўпминг кишилик залларда томоша кўрсатади.

**Соҳиба ҲАЙИТБОЕВА.**

## ШОКОЛАДНИНГ ВАТАНИ МЕКСИКАМИ?

Менимча, шоколадни яхши кўрмайдиган одам бўлмаса керак. Қайсидир манбада унинг илк бор Мексикада яратилгани хусусида ўқигандим. Илтимос, бу ҳақда атрофлича маълумот берсангиз.

**Оддий аскар Отабек МЕҲМОНОВ.**

Манбаларда ёзилишича, какао донининг ғаройиб хусусияти ҳақида Мексиканинг майя ва ацтек қабилалари бундан тахминан 3 минг йил муқаддам билишган экан. Яъни какао донини зўр иштаҳа билан истеъмол қилаётган маймунларни кузатишгач, уларда ҳам қизиқиш ҳосил бўлган. Аста-секин какаонинг донидан иссиққина ичимлик тайёрлашиб, уни «чокалатл» деб номлашади.

Ацтек қабиласининг сардори Монтесуменинг шарофати билан шоколад дунёга «танилган». Аниқроғи, 1519 йилда қабила сардори испан конкистадорларининг йўлбошчиси Эрнан Кортесни шоколад билан меҳмон қилади. Кортес ацтеклар ғаройиботини ўзи билан юртига олиб кетади. Узоқ вақтлар уни тайёрлаш рецепти, ажойиб сифати сир тутилган. Фақат ўн еттинчи асрнинг бошига келиб, бошқалар ҳам ундан баҳраманд бўла бошлаган.



